





Ўз мустақиллигининг қутлуғ йигирма йиллигини нишонлаётган юртимизда ўтган йиллар мобайнида оламшумул ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган оила ва никоҳ деб аталмиш муқаддас тушунчаларга эътибор тубдан ўзгарди. Фуқаролик жамиятининг асосий ижтимоий институтларидан бири ҳисобланмиш оила ҳимоясини таъминлашнинг ҳуқуқий, маънавий, мафқуравий, демографик ва репродуктив асослари такомиллаштирилди.

# МУСТАҲҚАМ ОИЛА

барқарор жамият таянчи

Мустақил Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини нафақат қонунийлаштирди, балки амалий ишлар билан юқори кўрсаткичларга ҳам эришди. Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг эътирофича, юртимиз оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида барчага ўрнак бўладиган даражада мақбул шароитни яратган давлатлар сирасига кирди. Биргина сўнги йилларда республикамизда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга кўтаришганлиги, оналар ўлимнинг икки баробардан зиёдга, болалар ўлимнинг эса уч баробарга камайлганлигининг ўзи соҳада амалга оширилаётган ишларнинг натижасидир. Мазкур йўналишдаги ислохотлар ижросини таъминлашда эса давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам муносиб ўрни бор. Чунончи, марказимиз республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Турли кўрик-танлов, учрашув ва амалий семинарлар, кўмакка муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш сингари тадбирлар шулар жумласидандир. Бу каби ижтимоий лойиҳалар, ўзари муносабатлар уйғунлиги халқаро Оила куни тадбирлари доирасида янада авж олади.

Шу ўринда оилалардаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, оила аъзолари, айниқса, ота-она ва фарзанд ўртасида соғлом муносабатларни такомиллаштириш мақсадида маҳалла маслаҳатчилари, мактаб ва коллежлардаги ёшлар тарбияси билан бевосита шуғулланувчи амалиётчи психолог, маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахасссларнинг семинар-тренингларини олайлик. Ана шу амалий машғулотлар ва улар самараси ўлароқ, бугун бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Масалан, ўтган 2010 йилнинг шу даврига қиёсланадиган бўлса, Тошкент, Наманган, Сирдарё, Хоразм, Самарқанд вилоятларида хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида нохуш ҳолатлар, Бухоро, Наманган ва Сирдарё вилоятларида эса оила ажримлари анча камайди. Бу каби ижобий ўзгаришлар бошқа кўрсаткичларга ҳам хос. Демак, амалда "Оила — мактаб — маҳалла" концепцияси ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ташкил этилса, ижобий самара бериши, шубҳасиз. Юртимизнинг турли ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқларидagi оилаларни илмий жиҳатдан ўрганиш шуни

кўрсатмоқдаки, аввало, оила ва никоҳ масалаларини ўрганиш, сўнгра амалий чоралар йўлини белгилаш зарур.

Бу ўринда, айниқса, оила-никоҳ муносабатларининг ҳудудий ўзига хослиги ва хусусиятларини билиш катта аҳамиятга эга. Масалан, биз хотин-қизлар кўми-

таси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда турли ҳудудларда "Қайноналар мактаблари"ни ташкил этдик. Илмий ўрганиш ва қузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир ҳудудда қайнона-келин муносабатларида ўзига хос жиҳатлар бор. Масалан, пойтахт ва унинг атрофида келинларда келинларга нисбатан бир оз қаттиққўллик, талабчанлик кузатиш бўлса, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида ёш оиланинг иқир-қичирларига иложи борича аралашмасликка ҳаракат қилинади. Лекин нима бўлганда ҳам, оилада мувозанат бузилиши оиланинг тўкин-сочинлиги, фаровонлигига, фарзанд тарбиясига салбий таъсир этиши ҳаммамизга аён. Демак, фан ва илмий тадқиқотларимиздан кўзланган мақсад — ёшларни оиладаги мана шундай турли-туман муносабатларга олдиндан тайёрлаш, "Ота-оналар университети", "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Ёш оила" ҳамда "Қайноналар мактаби"да ҳаётий тахиллардан келиб чиқадиган сабоқлар орқали аҳолининг билимдонлигини оширишдир.

## 15 май — халқаро Оила куни

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига эътироф этилганидек, "...биз мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз"ки, бундай муносабат, албатта, нурли келажагимиз, фаровон турмушимизни таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Васила КАРИМОВА,  
республика «Оила» илмий-амалий маркази директори.



Президентимиз Вази́рлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида тўхталиб, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилиши зарурлигини таъкидлаган эдилар.

# КОЛЛЕЖ ВА КОРХОНА МАҚСАДЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

битирувчиларнинг аниқ иш жойини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Хўш, жойларда бу борада қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Биз ушбу саволга жавоб топиш мақсадида дастлаб Гулистон шаҳридаги 4 мингта телефон нуқтасига эга бўлган "Сирдарётелеком" вилоят корхонасида бўлдик.

— Ўтган йили коллежни битириб шу ерга — телекоммуникация узатиш тизимларини ишлатиш электромеханиги вази́фасига ишга жойлашдим, — дейди Дилноза Сафарова. — Чунки амалиётни ҳам шу ерда ўтаганман. Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежини битирган Гулчехра Жўраева, Рифқат Саиджонов ҳам мен билан бирга ишлашмоқда.

— Мен Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежига бириктирилганман, — дейди Гулистон шаҳар телекоммуникация боғланмаси директори Б. Комилов. — Ҳар ҳафта коллежда бўлиб, битирувчилар билан суҳбатлар ўтказамиз, давоматини текшираемиз. Ходимларимиз дарс ўтишадди. Ўтган йили 9 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилган бўлсак, бу йил 22 нафар ёшрни бағримизга оламиз. Умуман, 95 нафар битирувчини "Сирдарётелеком"нинг филиалларида ишга жойлаштириш

бўйича уч томонлама шартнома имзоланган.

— Гулистон қурилиш касб-хунар коллежини жорий йилда 341 нафар ўқувчи битираяпти, — дейди коллеж директори А. Қувватов. — Барча битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишнинг инвестиция" ширкатида фаолият юритаётган пудратчи ташкилотлар, "Гулистон экстракт" очиқ акциядорлик жамияти, вилоят газ таъминоти, шаҳардаги "ГулРентекс", "Ҳабибтекс" қўшма корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Яна бир янгилик шуки, коллеж қошида "Mebel Buniyod Servis" шўъба корхонасини ташкил этдик. Бу билан, аввало, 6 та иш ўрни яратилди, қолаверса, ўқувчилар пайвандлаш, мебелсозлик сирасорларини ўрганмоқдалар. Айни пайтда ушбу мўъжаз корхонада "Ҳабибтекс" қўшма корхонасининг ўқув мебелларини йиғиб ўрнатиш бўйича 10 миллион сўмлик буюртма бажарилмоқда. Шунингдек, "Гулистон экстракт" очиқ акциядорлик жамиятида 27 нафар битирувчиларимиз амалиёт ўташапти. Айтиш мумкинки, ўқишни битиришлари билан уларнинг ҳам иш жойи тайин.

— Бу йил Гулистон тиббиёт кол-

лежини 5 та йўналиш бўйича 670 нафар битирувчи тамомламоқда, — дейди мазкур коллеж директори ўринбосари Матлуба Қаршибоева. — Уларни ишга жойлаштириш бўйича 27 та даволаш-профилактика муассасалари билан шартномалар тузилган. Ушбу муассасаларда ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётларини ҳам ўташади. Битирувчилардан 36 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган, 9 нафар битирувчи кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида.

— Маълумки, таълим сифати ўқув муассасаларининг моддий-техника базаси ўқув қуроллари билан қанчалик таъминланганлигига бевосита боғлиқ, — дейди Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими

## Таълим

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида жиҳозланган Ширин энергетика ва маиший хизмат, Гулистон қурилиш касб-хунар коллежларида ўқувчи-ёшлар ўз соҳалари бўйича чуқур билим эгалламоқдалар.

Жорий йилда вилоятдаги 44 та касб-хунар коллежини 12235 нафар ўқувчи 53 та йўналиш бўйича битириб чиқади. 2011 йилнинг 23 март ҳолати бўйича таълим муассасаларида "Корхона — коллеж" ҳамкорлиги асосида тузилган шартномалар талабига кўра, ўқув, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташ ҳамда келажақда касб-хунар коллежларини битиргач, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятдаги 157 та корхона ва ташкилотда ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ учун хоналар ташкил этилди. Шунингдек, вилоят ҳокимининг кўрсатмаси асосида ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимлиги томонидан коллеж ўқувчилари учун уларнинг ўзлари танлаган йўналишлар бўйича ҳудудда фаолият юритаётган йирик саннат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларга ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита таништириш мақсадида кўрсатилган экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг имкониятларини юзасига чиқарувчи яна бир омил, бу — 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб аталishiдир. Битирувчилар орасида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, 1183 нафар йигит-қиз келгусида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Улар билан тадбиркорлик фаолиятига алоқадор ташкилотларнинг мутахассислари иштирокида ҳудудларда семинар ва учрашувлар ўтказилди. "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали эксперт гуруҳи томонидан уларнинг лойиҳалари ўрганилган, ўқув йили якунида маълум деб топилган ишлар муаллифларига имтиёзли кредитлар тантанали равишда топширилиши мўлжалланмоқда.

Мухтасар айтганда, "Коллеж — корхона" ҳамкорлиги бугун ҳар бир коллеж битирувчисининг алоҳида эътиборда эканлигини кўрсатади. Бундай эъзоз эса таълим муассасалари битирувчиларининг ўз салоҳияти, иқтидори, хоҳишига қараб иш бошлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шоҳмурод ХОЛМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Қаҳрамон ҚҲҲНОЗОВ олган сурат.

Жарқўрғон туманидаги "Достон Акмал келажаги" хусусий корхонаси раҳбари Равшан Бойназаров саяё ҳаракати билан йилга 140 тонна гуштни қайта ишлайдиган технологик линия ишга туширилди.

## Тадбиркорнинг ғайрати

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор ўзининг 45 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланди.

Таъкидлаш кераки, жорий йилда вилоятда ҳудудий инвестиция дастурига кўра, умумий қиймати 45 миллион АҚШ долларилек 422 та ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



# «Олмалик кон-металлургия комбинати»

очик, ақдорлик ва минимал экологик таъсир

## Ўзбекистон Республикаси кончалак ва металлургия саноати ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди!



Давлатимиз фармоишлари бўлибди мазкур кончалак ва металлургия саноати  
ҳодимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Ўзбекистон Республикаси  
кончалак ва металлургия саноати ҳодимларини касб байрамлари билан  
самимий қутлайди. Давлатимиз фармоишлари бўлибди мазкур кончалак ва металлургия  
саноати ҳодимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди.

